



АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ФИРИБГАРЛИК ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Хажимуратов Низомжон Шукуруллаевич -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Молиявий таҳлил ва аудит
кафедраси мудири DSc

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a22](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a22)

Аннотация. Ушбу мақолада молиявий ҳисоботлар аудитида айланма активлар билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатларини ўрганиш муҳокама қилинади. Тадқиқотлар натижасида молиявий ҳисоботлар аудитида айланма маблағлар билан боғлиқ фирибгарлик турлари гуруҳларга бўлинади. Мақолада, шунингдек, фирибгарликни бартараф этиш бўйича таклифлар мавжуд.

Калит сўзлар: аудит, аудиторлик фаолияти, молиявий ҳисоботлар аудити, халқаро аудит стандартлари, фирибгарлик, хато, манипуляция, қалбакилаштириш.

ВОПРОСЫ ВЫЯВЛЕНИЯ МОШЕННИЧЕСТВ С ОБОРОТНЫМИ АКТИВАМИ В АУДИТОРСКИХ РАССЛЕДОВАНИЯХ

Хаджимуратов Низомжон Шукуруллаевич -
Ташкентский государственный экономический университет
заведующий кафедрой Финансовый анализ и аудит
доктор экономических наук

Аннотация. В этой статье обсуждается исследование мошенничества с текущими активами при аудите финансовой отчетности. В результате исследования виды мошенничества, связанные с оборотными средствами, разделены на группы при аудите бухгалтерской отчетности. В статье также содержатся предложения о том, как избежать мошенничества.

Ключевые слова: аудит, аудиторская деятельность, аудит финансовой отчетности, международные стандарты аудита, мошенничество, ошибка, манипуляция, подлог.

ISSUES OF DETECTION OF FRAUD IN CURRENT ASSETS IN AUDIT INVESTIGATIONS

Khajimuratov Nizamjon Shukurullaevich -
Tashkent State University of Economics
Head of the Department financial analysis and audit
doctor of Economic Sciences

Abstract. This article discusses the study of cases of fraud related to current assets in the audit of financial statements. As a result of the research, the types of fraud related to current assets in the audit of financial statements are divided into groups. The article also contains suggestions on how to eliminate fraud.

Key words: audit, audit activity, audit of financial statements, international auditing standards, fraud, error, manipulation, falsification.

Кириш. Бугунги кунда аудит иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Реал секторнинг самарали ишлаши кўп жиҳатдан молиявий ва бухгалтерия ҳужжатлари текширувларининг аниқлиги ва даврийлигига боғлиқ. Хусусан, ташқи аудит нафақат корхонада бухгалтерия ҳисобининг камчиликларини аниқлашга имкон беради, балки ички назорат тизими ва бизнес жараёнларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Маблағларнинг доимий равишда ҳаракатланиши корхонанинг бухгалтерия ёзувларидаги хатолар ва ноаниқликларга олиб келиши мумкин, шунингдек, менежерлар ва молиявий ходимларни турли фирибгарликларни содир этишга ундаши мумкин. Шу боисдан молиявий ҳисобот аудитида фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш аудиторлар

олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Молиявий ҳисобот аудитида фирибгарликни аниқлаш муаммоларига иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг эътибор қаратилган. Бугунги кунда молиявий ҳисобот аудитида фирибгарликни аниқлаш олдида турган муаммоларни ўрганиш учун олимларнинг асарларини тадқиқ этиш натижаларини келтириб ўтамиз.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар таъкидлашчи, фирибгарлик олдиндан билиб қилинадиган ҳаракат ҳисобланиб, бир ёки бир неча киши, раҳбарият томонидан, ишчилар ёки учинчи шахс томонидан амалга оширилган бўлиши мумкин. Фирибгарлик молиявий ҳисоботнинг нотўғри тузилишига олиб келади [5, 183].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Р.Д.Дусмуратовнинг таъкидлашича, фирибгарлик таркибига найрангбозлик (манипуляция), сохталаштириш, хужжатларни ёки ҳисоб ёзувларини ўзгартириш; мавжуд бўлмаган операцияларни ҳисобда акс эттириш; ҳисоб сиёсатини атайлаб нотўғри қўллаш кабилар киритилган [2, 34].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Б.Қ.Хамдамов фикрича, фирибгарлик – маълумотни ўз манфаатлари йўлида атайлаб бузиб кўрсатиш, бухгалтерия маълумотларини нотўғри кўрсатиш, уларни сохталаштириш, ҳисоботда хўжалик жараёнларини қалбакилаштириш орқали фойдаланувчиларни чалғитиш ва ҳоказо [9, 83].

Руминиялик иқтисодчи олимлар Сицилия Ионеску ва Корнел Ионескулар молиявий ҳисоботдаги исталган бузилишларга фирибгарлик ёки хато сабабчи бўлади. Фирибгарликнинг хатодан фарқи шундаки, бунда молиявий ҳисоботдаги бузилишлар атайлаб амалга оширилади, деган тўхтамга келишган [1].

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар таъкидлашича, ташкилот раҳбарияти ёки корпоратив бошқарувга масъул ҳисобланган бир ёки бир неча шахс томонидан атайлаб қилинган ҳаракат ҳисобланиб, ёлғон ишлатиш орқали фирром ёки ноқонуний устунликни қўлга киритишдир [8].

АҚШлик иқтисодчи олим Ж.С.Хаммерслейнинг таъкидлашича, фирибгарликни аниқлаш молиявий ҳисобот аудитида мураккаб жараён ҳисобланиб, аудитнинг асосий муаммоси сифатида қолмоқда. Фирибгарлик бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойилларидан четга чиққан ҳолда молиявий ҳисобот маълумотларини ўзгартириб, ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитишдир [3].

Хорватиялик бир гуруҳ иқтисодчи олимлар фирибгарлик ноқонуний устунлик олиш мақсадида бир ёки бир неча шахс томонидан атайлаб қилинган ҳаракат ҳисобланади ва унинг турли кўринишлари мавжуд деган фикрга келишган [7].

Юқоридаги фикрларга кўра, молиявий ҳисобот аудитида фирибгарликни аниқлаш масалаларига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Аммо аксарият тадқиқотларда хўжалик юритувчи субъектларда активлар билан боғлиқ фирибгарлик масалаларига атрофлича эътибор қаратилмаган.

Тадқиқот методологияси. Аудиторлик текширувларида жорий активлар билан фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш масалалари бўйича илмий тадқиқотни ўрганишда кўтарилган муаммони атрофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда

индукция ва дедукция, қайта ҳисоблаш, гуруҳлаштириш, таққослаш, миқдор ва сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш каби методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Жорий активлар, хусусан, одатда аудиторлар ишида кўриб чиқиладиган пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари, корхонанинг энг ликвидли активлари ҳисобланади. Одатда корхоналар ҳисоб маълумотлари бўйича бу активлар баланс таркибида энг катта салмоққа эга.

Илм-фан ва амалиётда жорий активларнинг тўғри акс этирилиши, ҳисобга олиниши ва мавжудлиги учун аудит амалларининг рўйхати кенг тавсифланган. Ушбу амалларни бажаришда аудиторнинг ҳаракатлари корхонанинг бухгалтерия ва молиявий тузилишидаги тасо-дифий ёки тизимли хатоларни аниқлашга, шунингдек, ички назорат тизимини баҳолашга қаратилган. Бироқ, йирик ишлаб чиқариш тузилмаларида бухгалтерия хатолари ва бошқа молиявий маълумотларнинг бузиб кўрсатилиши кўпинча атайлаб амалга оширилади. Бундай ҳолда корпоратив фирибгарликлар ҳақида тўхталиб ўтиш керак.

Бугунги кунда корпоратив фирибгарликнинг уч тоифаси ажралиб туради: коррупция, ҳисобот билан боғлиқ фирибгарлик ва активларни ўзлаштириш. Хўжалик юритувчи субъект тақдим этган молиявий маълумотлар ва молиявий ҳисоботлар билан фирибгарлик ҳолатларининг юзага келишига куйидаги омиллар сабабчи бўлади:

- 1) бизнес эгалари томонидан раҳбариятни етарли даражада назорат қилмаслик;
- 2) махсус ташкил қилинган фондлар ва боғлиқ томонлар билан битимлар;
- 3) асосий контрагентларни тез-тез алмаштириш;
- 4) ушбу тармоқ учун хос бўлмаган, тузиладиган шартномаларнинг махсус шартлари;
- 5) ташқи аудиторларни тез-тез алмаштириш;
- 6) ички аудиторлар ва ички назорат тизими мавжуд эмаслиги;
- 7) қопланмаган зарар ҳажми;
- 8) ўз маблағлари етишмаслигида юқори фойда;
- 9) ташкилий тузилманинг тез-тез ўзгариши ва ҳ.к.

Амалиётда активларни ўзлаштириш билан боғлиқ манипуляциялар кўп учрайди. Бундай фирибгарликнинг асосий сабаби корхона эгалари ва унинг раҳбарлари ўртасидаги манфаатлар фарқ қилишидир. Кўпинча, ушбу муаммо номақбул ҳаракатларни текшириш жараёнида асосий хавотирли жиҳатларни таъкидлаб, улар бўйича амалларни бажарадиган муста-

қил ташқи аудиторларни жалб қилиш орқали ҳал этилади.

Активларни ўзлаштириш билан боғлиқ асосий усуллар қуйидагилар ҳисобланади [6, 4]:

1) активлар билан фирибгарлик операциялари: активларни балансдан чиқариш, активлар қийматини пасайтириш, активларни қиймати пастроқ активларга алмаштириш;

2) фойдани махсус ташкил этилган ташкилотларга ўтказиш: тушумни камайтириш, харажатларни ошириш, фойдани пасайтириш ва зарар юзага келиши;

3) мажбуриятлар миқдорини ошириш ва янги мажбуриятлар пайдо бўлиши.

Нақд пул маблағларини ўзгартиришнинг асосий кўринишлари, хусусан, дебиторлик қарзлари билан боғлиқ. Дебиторлик қарзлари билан боғлиқ фирибгарлик нафақат даромадлар камайиши ва пул оқимлари пасайишига олиб келади, балки корхона самарадорлигига ҳам таъсир қилади. Ушбу актив жуда ликвид бўлганлиги сабабли, кўплаб молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар унга алоҳида эътибор беришади ва бу ҳақда маълум тахминлар яратишади. Дебиторлик қарздорлигини бошқаришнинг қуйидаги кўринишлари ажратиб кўрсатилади:

1) декларация қилинмаган (ҳисобга олинмаган) сотувни амалга ошириш натижасида сохта дебиторлик қарзларини шакллантириш;

2) раҳбариятнинг ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларни тўлаш учун тўловларни ўзлаштириши;

3) дебиторлик қарзлари гарови остида шахсий қарзларнинг юзага келиши;

4) қарздан воз кечиш, музлатиш ҳақида битим тузиш, талаб қилиш ҳуқуқини учинчи шахсга бериш, тўловни кечиктириш/бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақида битим тузиш.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай корхонанинг энг ликвидли активи пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳисобланади. Ушбу актив турли шаклларда тақдим этилиши мумкин: нақд пул шаклида, махсус счётларда, валютада, пул ҳужжатлари кўринишида ва ҳ.к. Юқори ликвидлик, шакллар кўплиги, шунингдек, ўзлаштиришлар осонлиги пул маблағларини – қоидабузарликларга энг кўп учрайдиган активга айлантиради. Фирибгарликнинг асосий кўринишлари қуйидагилар ҳисобланади:

1) нақд пул ўғирлаш;

2) декларация қилинмаган (ҳисобга олинмаган) сотув, сотувни кичикроқ суммада қайд қилиш ва кейинчалик пул маблағларини ўзлаштириш;

3) таъминотчиларга тўлов учун қалбаки счётлар жўнатиш;

4) сохта қайтаришлар ўзлаштирилганда маҳсулот учун тўлаш ва уни қайтариш схемалари;

5) қалбаки чеклардан фойдаланиш;

6) тўлов ҳақида қалбаки талаблар;

7) қалбаки имзо билан сохта тўлов топшириқномалари;

8) мижозга счёт тақдим этишда суммани ошириб кўрсатиш;

9) сохта кредитлар, чегирмалар ва мижозларга суммаларни қайтариш;

10) пул маблағлари ўтказмалари ва тўлов тизимларида паролларни ўғирлаш;

11) корпоратив кредит карталардан ноқонуний фойдаланиш;

12) сохта таъминотчилардан сохта счёт-фактураларни тўловга жўнатиш.

Фикримизча, аудиторлар томонидан активларни ўзлаштириш кўринишидаги фирибгарликни аниқлаш учун қуйидаги махсус амалларни бажариш лозим:

1) пул маблағлари ёки қимматли қоғозларни йил якунига ёки шунга яқин санада қайта ҳисоблаш;

2) таҳлил қилинаётган давр учун бухгалтерия ҳисобининг тегишли счётларидаги ҳаракатни тасдиқлаш сўрови билан тўғридан-тўғри харидорлар ва буюртмачиларга сўров юбориш (кредит бўйича чиқарилган захиралар, акцияларнинг қайтарилиши, шунингдек, тўлов санаси ҳақида ахборот);

3) ҳисобдан чиқарилган суммаларни қоплаш суммасини таҳлил қилиш;

4) маҳсулот турлари ва жойлашуви кесимида захиралар етишмаслиги ҳақида маълумотлар таҳлили;

5) захиралар бўйича асосий коэффициентларни тармоқнинг ўртача кўрсаткичлари билан таққослаш;

6) захираларнинг узлуксиз ҳисоби тизимидаги суммаларни камайтириш асосланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни текшириш;

7) манзилларни ёки телефон рақамларини таққослаш учун мол етказиб берувчилар рўйхатини ходимлар рўйхати билан автоматик равишда солиштириш;

8) такрорланадиган манзиллар, шахсий маълумотлар, солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки ходимнинг банк ҳисобрақамини аниқлаш учун тўлов қайдномалари бўйича маълумотлар базасида автоматлаштирилган қидирув ўтказиш;

9) ноодатий тенденцияларни аниқлаш учун қайтариш ва савдо чегирмалари бўйича маълумотларни таҳлил қилиш;

10) шартномаларнинг у ёки бу шартларини тасдиқлаш илтимоси билан учинчи шахсларга сўров юбориш;

11) тузилган шартномалар шартларига мувофиқлик тўғрисида далиллар олиш;

12) йирик ноодатий харажатларнинг асослигини текшириш;

13) раҳбарият ва унга алоқадор шахсларга қарз бериш учун зарур рухсатномалар мавжудлигини, шунингдек, уларни балансда баҳолашни текшириш;

14) раҳбарият таркибидан бўлган шахслар томонидан тақдим этиган харажатлар ҳақида ҳисоботлар ва уларда кўрсатилган суммалар асосланганлигини текшириш.

Шунингдек, аудиторлар томонидан жорий активлар билан амалга оширилган қоидабузарликларни аниқлаш учун иккита усул қўллани-

лиши мумкин: таҳлил ва назорат. Бироқ, уларнинг хатти-ҳаракатлари янада пухта бўлиши керак, Директорлар кенгаши, мажлислар ва йиғилишлар тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқиш керак. Яна бир муҳим таркибий қисм корхона эгалари билан тўғридан-тўғри алоқа – тегишли маълумотларни сўраш, раҳбарият томонидан тақдим этилган маълумотни тасдиқлаш ва бошқалар ҳисобланади.

Аудитор томонидан аниқланган жорий активлар билан қоидабузарликлар ҳар хил таҳлил турлари ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Уларнинг асосий ҳолатлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Жорий активлар билан фирибгарлик ҳолати таҳлили [4]

Номи	Амалларнинг моҳияти
Активлар қийматини бузиб кўрсатиш эҳтимолини таҳлил қилиш	1. Сохта активларни аниқлаш: активлар билан боғлиқ харажатлар капиталлашуви асосланганлигини таҳлил қилиш 2. Ишлаб чиқариш фаолиятида активлар иштироки даражасини, самарадорликни таҳлил қилиш мақсадида улар келтирадиган даромадни баҳолаш
Маркетинг таҳлили	1. Нарх шакллантириш стратегиясини, сотилган ва харид қилинган маҳсулот/хизматлар нарх даражасини, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси ва ҳ.к. таҳлил қилиш 2.Ташкилотнинг моддий ва молиявий оқимлари ҳаракатини тадқиқ этиш, тузилган шартномаларни ўрганиш, бозор нархлари ва амалдаги битим нархларини қиёсий таҳлил қилиш
Активларни харид қилиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича йирик битимлар таҳлили	1. Қарз олиш ва бериш, талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш, қарзни ўтказиш ва ҳ.к. билан боғлиқ барча йирик битимларни таҳлил қилиш 2. Моддий ва молиявий активлар ҳолати таҳлили
Рентабеллик таҳлили	1. Активлар рентабеллигини асосий рақобатчиларнинг худди шундай кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил қилиш 2. Активлар рентабеллигининг ўсиш суръатини қиёсий таҳлил қилиш 3.Жорий ва узоқ муддатли активлар рентабеллигини қиёсий таҳлил қилиш
Жорий активлар сифати таҳлили	1. Жорий активлар сифатининг ёмонлашув индикаторлари: дебиторлик қарзлари ва захиралар айланиш даврининг ортиши, баҳолаш захиралари йўқлиги, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари улушининг ортиши ва ҳ.к.

Шундай қилиб, аудит стандартлари томонидан тавсия этилган жорий активларни ўзлаштириш бўйича қоидабузарликларни аниқлаш бўйича барча чоралар кўрилгандан сўнг, шунингдек, аудиторларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилганидан сўнг, молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ушбу баланс моддаларига нисбатан ишончли деган хулосага келишимиз мумкин. Умумий аудит амаллари бухгалтерия хатоларининг йўқлигига ишонч ҳосил қилади, аммо улар корпоратив фирибгарликларни амалга оширмаслигига тўлиқ ишонч бермайди. Таърифланган амалларни бажариш, текширилаётган корхонанинг молия-иқтисодий бўлимлари тўғрисида кўпроқ маълумот беради.

Хулоса ва таклифлар. Бутун дунёда ҳукм сураётган коронавирус пандемияси шароитида хўжалик юритувчи субъектларда маблағлардан оқилона фойдаланиш фойдаланиш муҳим. Айниқса, пандемия шароитида аудиторлик текширувларида хўжалик юритувчи субъектларда

ички назорат тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги, бухгалтерия ҳисоби ишларининг тизимли амалга оширилаётганлигига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Шу боисдан молиявий ҳисобот аудитида фирибгарлик ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш пандемия шароитида юзага келган қийинчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Тадқиқотлар натижасида фирибгарлик тушунчасига қуйидагича таъриф берамиз: фирибгарлик – бир ёки бир неча шахс томонидан олдиндан билиб қилинадиган ҳаракат ҳисобланиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига зид равишда амалга оширилади ва молиявий ҳисоботнинг нотўғри тузилишига олиб келади.

Молиявий ҳисобот аудитида фирибгарлик операциялари, хусусан, корхона активларини ўзлаштириш бўйича операцияларни аниқлаш бўйича амаллар қўллаш зарур ҳисобланади. Жорий активларни текшириш учун умумий

аудит амалларини ўтказгандан сўнг, шунингдек, жорий активларни тайинлаш билан боғлиқ қоидабузарликларни аниқлаш бўйича чоралар кўрилгандан сўнг, молиявий ҳисобот ва молия-

вий ҳужжатлар корхонанинг жорий активлари-га нисбатан ишончли, деб хулоса қилиш мумкин.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Cicilia Ionescu, Cornel Ionescu. *Frauds and Errors in the Audit of Financial Statements*. //Procedia of Economics and Business Administration ISSN: 2392-8166, ISSN-L: 2392-8166. September 2016.
2. Dusrmatov R.D. *Auditing xalqaro standartlari. O'quv q'ollanma*. –T.: TDAU, 2019. -130 b.
3. Jacqueline S. Hammersley. *A Review and Model of Auditor Judgments in Fraud-Related Planning Tasks*. //Auditing: A Journal of Practice & Theory American Accounting Association Vol. 30, № 4. November 2011 pp. 101–128.
4. International federation of Accountants [Электронный ресурс] / URL: <https://www.ifac.org/auditing-assurance/clarity-center/clarified-standards>
5. Karimov A.A., Muqimov Z.A., Xodjayeva M.H., Avlokulov A.Z. *Xalqaro audit. Darslik*. –T.: Iqtisod-moliya, 2020. -424 b.
6. Козденко В. *Корпоративное мошенничество: анализ схем присвоения активов и манипулирования отчетностью*. //Экономический анализ: теория и практика. 2015. № 4 (403). С. 2-13.
7. Lajos Zager, Sanja Sever Malis, Ana Novak. *The Role and Responsibility of Auditors in Prevention and Detection of Fraudulent Financial Reporting*. // Procedia Economics and Finance 39 (2016) 693 – 700. www.sciencedirect.com
8. Marilena Mironiuc, Ioan-Bogdan Robu and Mihaela-Alina Robu. *The Fraud Auditing: Empirical Study Concerning the Identification of the Financial Dimensions of Fraud*. //IBIMA Publishing Journal of Accounting and Auditing: Research & Practice. <http://www.ibimapublishing.com/journals/JAARP/jaarp.html>. Vol. 2012 (2012)
9. Hamdamov B.Q. *Auditing xalqaro standartlari. Darslik*. –T.: Iqtisod-moliya, 2020. -288 b.



МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a23

Амиров Аскар Актамович -
ТДИУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада мажбуриятларнинг моҳияти ва уларни ҳаққоний қийматда баҳолаш масалалари тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар натижасида мажбуриятлар ҳисобининг муаммолари аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: мажбурият, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот, бухгалтерия баланси, баҳоланадиган мажбуриятлар.

СУЩНОСТЬ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ И НАПРАВЛЕНИИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИХ УЧЕТА

Амиров Аскар Актамович -
Соискатель ТГЭУ

Аннотация. В статье исследовано сущность обязательств и вопросы оценки их по справедливой стоимости. В ходе исследований были рассмотрены проблемы учёта обязательств, а также предложения по устранению этих проблем.

Ключевые слова: обязательства, финансовый отчет, международные стандарты финансовой отчетности, отчет о финансовом положении, бухгалтерский баланс, оценочное обязательство.

ESSENCE OF OBLIGATIONS AND THE DIRECTION OF IMPROVING THEIR ACCOUNTING

Amirov Askar Aktamovich -
Researcher TSUE

Abstract. The article explores the essence of liabilities and issues of assessing them at fair value. In the course of the research, the problems of accounting for obligations were considered, as well as proposals for eliminating these problems.

Keywords: liabilities, financial report, international financial reporting standards, statement of financial position, balance sheet, provisions.